

**Андижон вилояти ҳокими Ш. Қ. АБДУРАҲМОНОВнинг  
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати  
билан 2016 йил 27 июнда ўтказиладиган тантанали маросимдаги  
ТАБРИК СЎЗИ**

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!  
Ҳурматли меҳмонлар, қадрли баланд ижодкорлар!**

Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон халқлари яратувчилик меҳнатлари билан бугун дунё ҳамжамияти эътиборини тортмоқда. Ана шу заҳматкаш эл эзгу ниятларининг амалга ошишида, шубҳасиз, ҳаётимиз кўзгуси бўлган матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўзининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузасида тараққиётимиз энг муҳим йўналишларининг зарур омилларидан бири сифатида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг истиқболдаги муҳим вазифаларини белгилаб бердилар.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Юртбошимизнинг соҳа аҳлига алоҳида дастурий табрик йўллаши эса, Сиз - азизларга бўлган доимий ҳурмат - эътибори, юксак ишончи белгисидир.

Бугун ана шундай эътиборли касб эгаларининг анъанавий байрамини нишонлаш мақсади билан ушбу даргоҳда тўпланб турибмиз. Шу муносабат билан Сиз – азизларни, Сизлар орқали вилоятимизнинг барча матбуот ходимларини, телерадио ижодкорлари-ю, босмаҳоналар ишчи-хизматчиларини, ноширлар, матбуот тарқатувчиларни анъанавий касб байрамингиз билан қизгин табриклаш ва муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

**Азизлар!**

Жорий йилда Сизнинг касб байрамингизни, яъни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллик байрами арафасида нишонлаётганлигимиз ҳам ўзгача маъно-мазмун касб этади. Тан олиб айтишимиз керакки, ўтган чорак аср давомида юртимизда иқтисодий барқарорлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, бунёдкорлик, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, қўйингки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш борасида асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўзлимизни англаш, миллий, диний кадриятаримизни улуғлаш, юртдошларимиз маънавиятини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин.

Шу ўринда Матбуот ходимларининг бугунги касб байрами минбаридан туриб ана шу жараёнларда сиз - ижод аҳлинининг фаол иштирокингиз борлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, янгиланиш, бунёдкорлик борасидаги ишларни кенг ёритиш ва юртдошларимизни ана шундай эзгу ишларга илҳомлантириш, бир сўз билан айтганда, мустақилигимизни мустаҳкамлаш йўлида халқимизни бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилишга сафарбар этишда сизларнинг хизматингиз ҳар қанча эътирофга муносибдир.

Ана шу хурсандчилигимизга монанд равишда Андижонимизда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари кўлами кундан-кунга кенг қулоч ёзаётганлиги ҳаммамизга, ҳар биримизга фахру ифтихор бағишлайди, албатта.

Бугун уч миллион аҳоли истиқомат қилаётган вилоятимиз эришаётган муваффақиятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак ярашади. Ҳамиша сўзи билан иши бир, мард андижонликлар Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган намунали уйлар барпо этиш ҳаракатининг энг олдинги сафларида бораётганлиги алоҳида таъкидлашим керак. 2009-2015 йилларда 5 минг нафардан зиёд юртдошимиз янги, барча қулайликларга эга бўлган хонадонларда уй тўйларини нишонлашди. Шу йилнинг ўзида яна 1139 та уй қурилмоқда. Натижада қишлоқ аҳли ҳам шаҳарликларникидан қолишмайдиган замонавий тураржойлар соҳибларига айланишмоқда.

Узоққа бормайлик, биргина кейинги икки йил ичида вилоятимиз маркази - Андижон шаҳрининг ўзида қанча-қанча ўзгаришлар бўлди. Эски шаҳар тубдан қайта қурилди, ҳудудда қурилиш, бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Қуни кеча фойдаланишга топширилган республикамизда ягона бўлган вилоят кўғирчоқ театрининг янги биноси, шунингдек, тўла реконструкция қилинган Темир йўл вокзали, кўплаб кўп қаватли тураржой бинолари шаҳримиз кўркига кўрк қўшди. Муҳтасар айтганда, Юртбошимиз ташаббуси билан узоқни кўзлаб, реконструкциялашнинг пухта ўйлаб тузилган режалари асосида олиб борилаётган бу каби бунёдкорлик ишлари ҳамюртларимизга аъло кайфият бағишлаётгани чин ҳақиқат. Бундай кайфият, ҳамжиҳатлик билан биз Юртбошимиз ишончини оқлашдек буюк ишда яқдиллигимизни, уюшқоқлигимизни намойиш этишимизга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ишончимиз комилки, журналистларимиз шаҳар ва қишлоқларда олиб борилаётган бу каби бунёдкорлик ишларини халқимизга етказиш ва тарғиб этишда янада фаол, ҳалол ва холис хизмат қилаверадилар.

Қадрли юртдошлар! Халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби, вилоятда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда муҳим юксалишлар рўй бераётганини эътироф этиш лозим. Андижон матбуоти ҳақида сўз кетганда эса, мустақиллик даврида соҳада катта ўзгаришлар амалга ошганини қайд этиш жоиздир. Мустақилликкача вилоятимизда 18 та

газета чоп этиларди холос. Ҳозирга келиб эса уларнинг сони 40 тага яқинлашди. Сўнгги 3 йил ичида уларнинг адади 132 минг нусхадан 164 минг нусхага ўсди.

Босма нашрлар сифатини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили “Андижон нашриёт-матбаа” масъулияти чекланган жамиятига Ҳиндистондан газеталарни 4 хил рангда чоп этадиган 280 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий дастгоҳ келтирилиб, ишга туширилди.

Андижонда 3 та телерадиокомпания ишлаб турибди. Улар сафига “Дийдор” мустақил тижорат радиоси ҳам қўшилди.

Вилоят телерадиокомпаниясининг моддий-техника қувватини ошириш соҳасида қилинган саъйи ҳаракатлар туфайли ҳозир вилоят телевидениесининг эфир вақти суткасига 18 соатни, радиоэшиттиришлар эса 12 соатни ташкил этмоқда.

Кўп сонли газетхонлар, телетомошабин ва радиотингловчилар бугун андижонлик Узоқбой Саксонбоев, Каримшер Низомов, Фахриддин Ибайдуллаев, Голибжон Абдуллаев, Абдурахмон Исоқов, Наргиза Эшонова, Толибжон Шерматов, Фахриддин Парпиев, Шефие Иманкулова, Муроджон Тўхтаназаров, Феруза Сиддиқова сингари ўнлаб малакали журналистлари билан фахрланадилар. Улар вилоятимиз ҳаётини тўлақонли ёритиш, ҳар бир масалага холис ёндошиш билан кенг жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Қалам аҳлининг бош илҳомчиси, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган “Олтин қалам” миллий мукофоти халқаро танлови кўплаб қалам соҳиблари ижодини янада юқори даражага кўтаришга хизмат қилмоқда. Кейинги 11 йиллик сарҳисоб бўйича айтадиган бўлсак, андижонлик 11 нафар журналист “Олтин қалам” миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловнинг ғолиб ва совриндори бўлди. Бу йил улар сафини “Андижоннома” газетаси бўлим мудирини Муҳаббат Отамирзаева, вилоят телерадиокомпанияси етакчи ижодий ходими Матлуба Юсупова, “Дийдор” радиоси бошловчиси Бахтиёр Мавлоновлар тўлдирдилар. Биз улар билан фахрланамиз, албатта.

### **Ҳурматли ҳамюртлар!**

Бугунги тантанали йиғилишимиз ҳар қачонгидан файзли, жозибали бўлаётгани табиий, албатта. Чунки, сиз билан биз бугун нафақат Андижон матбуотининг жонли тарихига, балки республикадаги энг ёши улўф, отахон нашрга айланиб қолган, ўз бағрида кўплаб қаламкашларни тарбиялаб чиниқтирган «Андижанская правда» газетаси чиқа бошлаганига 100 йил тўлиши арафасида турибмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу русийзабон газетамиз юртимизда умргузаронлик қилган ва қилаётган миллатидан, динидан қатъий назар барча инсонларнинг бахт-саодати йўлида хизмат қилиб келаётир. Унинг иккинчи жаҳон уруши пайтида, урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида, айниқса, мустақиллик даврида Андижон аҳлига қалам кучи билан мадад бериб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур нашрда фаолият юритган Рубен Акопович Сафаров, Иван Новоженин, Анатолий Воропаев, Николай Степанович Коркин, Петр Петрович Волков сингари ўнлаб журналистларнинг ҳалол хизматларини халқимиз яхши биладилар ва чуқур ҳурмат билан эслайдилар.

Бугунги кунда ҳам газета вилоятимиз олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишда, ислохотларни кенг халқ оммаси ўртасида тарғибот этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир. Бу ишда бугун таҳририят жонкуярлари ҳисобланган Леонид Константинович Орлов, Светлана Рогалёва, Шефие Имонкулова, Шухрат Абдуллаев, Ҳасанбой Нурматов, Гавҳарой Аҳмаджонова сингари ижодий ва техник ходимлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

**Азизлар!** Ҳаммамизнинг номимиздан «Андижанская правда» газетаси жамоасини, фаолларини қўшалок байрам билан чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига ҳадемай чорак аср тўлади. Замон ўзгармоқда, тараққиёт тезлашмоқда. Бугун газеталаримизни чоп этиш, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар тайёрлашдаги жуда кўп қийинчиликлар ортда қолди. Бу борада иш жараёнлари замонавийлашиб, ҳаётимизга электрон оммавий ахборот воситалари кириб келди, соҳага доир компьютер дастурлари кўпайиб, интернет тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Бир сўз билан айтганда, астойдил илҳом билан ижод қилиш ва мустақил Ватанимиз равнақи учун кўпроқ ҳисса қўшиш, астойдил меҳнат қилиш, халқимизни рози қилиш Ватанпарварлик бурчимиз эканлигини асло унутмаслигимиз даркор.

Муҳтарам юртбошимизнинг қалам аҳлига йўллаган табрикларидан бирида “Ўз касбининг ҳақиқий устаси ва фидойиси бўлган, ўзининг ҳақиқий сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга сафарбар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги кунини учун ёниб яшайдиган Сиз, жонкуяр журналистларни мен ўзимнинг суянчим ва таянчим деб билишимни бугун яна бир бор айтмоқчиман” деган сўзлари қалбларимизга муҳрланиб қолган. Бугун ҳар бир журналист ана шу шарафга лойиқ бўлмоғи зарур.

Биз вилоятимиз қалам аҳлининг меҳнатини доимо қадрлаймиз. Бугунги байрам кунини мен журналистиканинг ҳалол нони билан яшаб, она юртимизга сидқидилдан хизмат қилаётган ҳар бирингизга ўз меҳримни,

хурматимни изҳор этаман. Шу билан бирга, Юртбошимиз томонидан жонажон Андижонимизнинг салоҳиятини бунданда юксалтириш йўлида қилинаётган эътибор, ғамхўрликларга амалий ишлар билан жавоб беришимизда, ўз бурчларингизни оқлашингизга қаттиқ ишонаман.

**Азиз юртдошлар!**

Сизларни яна бир бор касб байрамингиз билан табриклашга, қутлашга ижозат бергайсизлар. Ҳаммангизга соғлиқ-омонлик, оилавий бахт-саодат, туганмас илҳом, куч-ғайрат, ижодий омад ёр бўлишини тилайман.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**